



NATURAL GEOGRAPHICAL LOCATION OF KHOREZM REGION

KO'ZIEV J.M.*
BAZARBAEV I.O.**

*Institute of Soil Science and Agrochemical Research,
**Karakalpak Institute of Agriculture and Agrotechnologies,
Tashkent, Uzbekistan
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17367767>

ARTICLE INFO

Received: 05st October 2025
Accepted: 10th October 2025
Online: 11th October 2025

KEYWORDS

Khorezm region, natural and geographical location, Amu Darya delta, lithological and geomorphological structure, hydrogeological conditions, groundwater, irrigation systems, desert soils, vegetation cover.

ABSTRACT

This article provides a comprehensive overview of the natural and geographical location of the Khorezm region, its geological and geomorphological structure, hydrogeological conditions, and vegetation cover. The study scientifically explains how the Khorezm oasis, situated in the lower reaches of the Amu Darya River, is influenced by its lithological and geomorphological composition, irrigation systems, and groundwater movement in relation to agricultural activities. Furthermore, the research analyzes the division of the region into geomorphological zones, the degree of groundwater mineralization, and the interrelation between soil and vegetation cover. It is emphasized that the natural conditions and resource potential of the Khorezm region are the key factors determining its agricultural development.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ЖОЙЛАШИШ ЎРНИ

КЎЗИЕВ Ж.М.*
БАЗАРБАЕВ И.О.**

*Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти,
**Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти
Тошкент, Ўзбекистон
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17367767>

ARTICLE INFO

Received: 05st October 2025
Accepted: 10th October 2025
Online: 11th October 2025

KEYWORDS

Хоразм вилояти, табиий-географик ўрин, Амударё дельтаси, литолого-геоморфологик тузилиш, гидрогеологик шароит, ер

ABSTRACT

Мазкур мақолада Хоразм вилоятининг табиий-географик жойлашув ўрни, геологик ва геоморфологик тузилиши, гидрогеологик шароити ҳамда ўсимлик қоплами кенг ёритилган. Тадқиқотда Хоразм воҳаси Амударёнинг қуйи оқимида жойлашганлиги, унинг литолого-геоморфологик тузилиши, суғориш тизимлари ва ер ости сувлари ҳаракати



ости сувлари, суғориш тизимлари, чўл тупроқлари, ўсимлик қоплами.

қишлоқ хўжалиги фаолиятига қай даражада таъсир кўрсатиши илмий асосда баён этилган. Шунингдек, вилоятнинг геоморфологик районларга бўлиниши, ер ости сувларининг минераллашув даражаси ва тупроқ-ўсимлик қопламининг ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинган. Хоразм вилоятининг табиий шароити ва ресурс салоҳияти унинг қишлоқ хўжалиги йўналишида ривожланишини белгилаб берувчи асосий омил сифатида таъкидланган.

Хоразм вилояти Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбида Амударёнинг қуйи қисмида жойлашган. Хоразм вилояти ҳудуди Турон пасттекислигининг шимолий қисмида бўлиб, Қадимги Амударё ёйилма (дельта)си чап қирғоғини бир қисми ва ўнг қирғоғида Қизилқумнинг бир оз қисмини эгаллаган [2; 135-б.].

Ғарб, жанубий-ғарб ва жанубдан вилоят кўпроқ Туркменистоннинг Унгуз орти Қорақум қумликлари, шимоли-ғарб ва шимоли-шарқдан Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилояти Қизилқум билан чегараланади. Чегараларнинг катта қисми шимоли-шарқдан Қорақалпоғистон билан, жануби-ғарбдан эса қисман Туркменистон Республикаси ва Амударё устидан ўтади [1; 240-б.].

Хоразм воҳаси Республиканинг шимолий қисмида қуйи Амударё минтақасида жойлашган бўлиб, унинг табиий шароити кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги ривожланишини белгилайди. Хоразм воҳаси Ўзбекистон Республикасининг шимолий-ғарбий қисмида 40-42 шимолий кенгликларда, 60-62 шарқий узунликлар оралиғида жойлашган. Вилоят шимоли-ғарбдан жанубий-шарққа 280 километрга чўзилган.

Хоразм воҳаси Ўзбекистон Республикасининг шимолида жойлашганлигига қарамадан қадимдан суғориб деҳқончилик қилинадиган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Хоразм вилояти умумий ер майдони, яъни чегараси 608,1 минг гектар, шундан қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган майдон 266,1 минг гектари суғориладиган ерлардир [5; 1369-1373-б, 6; 188-б.].

Геологик, геоморфологик ва литологик тузилиши ҳамда рельефи: Амударё қуйи оқими ҳудудларининг замонавий ҳамда қадимги дельталари, шунингдек Қизилқум, Устюрт платоси ва Орол денгизи акваториясини ишғол этган. Дельтани қадимги ва замонавий юза қисми аввал вақти-вақти билан содир бўладиган сув билан бостирилишидан ҳоли бўлган ва ўзининг ривожланишини маълум босқичида-суғоришга жалб этилмасидан олдин қуриш ва чўлга айланиш босқичларини ўтаган. Дельтани ёш юза қисми, фақат 1940-1960 йиллардан бошлаб даврий сув босиши таъсиридан ҳоли бўлгач, ҳозирда кучли чўлланиш жараёнига учраган. Ҳудудда кечаётган табиий «қуриш ва чўлланиш» иқлимни ўзгариб бориши-Орол денгизини қуриган қисмини ҳам қамраб олган, натижада ушбу денгизни қуриган туби ўрнида «Оролқум» чўли вужудга келган [3; 135-б.].



Хоразм вилояти ҳудудининг кўпроқ қисми Амударёнинг қадимги аллювиал ётқиқиқларида қисман, ҳозирги замон ётқиқиқларида ва Унгуз орти Қорақум, Қизилқум ва Тошсоқа платосининг учламчи давр емирилган жинсларида жойлашган. Эски дарёлар Дарёлиқ ва Даудан, Амударёнинг қадимги ёйилма қисмида жойлашган. Бу аллювиал ётқиқиқлар ташкил топиш шароитига кўра ўзан, ўзанбўйи ва ўзанлар оралиғи фацияларидан ташкил топган.

И.Н.Фелициант [4; 133-211-б.] маълумотларига кўра, Хоразм вилояти ҳудудларининг литолого-геоморфологик тузилишини, аллювиал ётқиқиқларни тўшалганлиги ва литологик тузилишларини ҳисобга олиб 4 та катта литолого-геоморфологик районларга ажратган: Даудан ва Дарёлиқларни ёйилма ётқиқиқлари, Амударёнинг замонавий ва қадимий ёйилмалари ётқиқиқлари районларига ажратган. Бу литолого-геоморфологик районлар ўз навбатида бир неча майда районларга ажратилади.

И.Н.Фелициант [4; 133-21-б.]нинг маълумотлари асосида Хоразм воҳаси ҳудуди литология, геоморфологиясини ҳисобга олиб қуйидаги геоморфологик районларга [6; 188-б.]:

1. Элювиал ва эол ётқиқиқларидан ташкил топган Тошсоқа платоси ва платосимон Қизилқум ва Унгуз орти Қорақум текисликлари райони;
2. Амударё ва Даудан дарёларини ўзанлараро (кўл) ётқиқиқлари райони;
3. Дауданни ўзанбўйи ётқиқиқлари райони; 4. Дауданни ўзан ётқиқиқлари райони; 5. Дарёлиқни кўл ва ўзанбўйи ётқиқиқлари райони; 6. Дарёлиқни ўзан ётқиқиқлари райони; 7. Амударёнинг ўзан ётқиқиқлари районларига ажратилган.

Амударё дельтасининг ўрта қисми ўнг ва чап қирғоқларига нисбатан баландроқ ва ясси кенг текисликлардан иборат. Умумий қиялик марказдан шимолий-ғарбга томон, шарқида Қозоқдарё ўзанидан Жилтирбос кўлтиғи томон текис бўлиб, литологик тузилиши кўпроқ ўзанбўйи баландликларидан иборат бўлганлиги учун замини, енгил қумоқли ҳамда қатқалоқлашган шўрҳоклар кўпроқ тарқалганлиги кузатилади.

Табий-географик шароити турли хилма-хиллиги таъсирида типик саҳро автоморф тупроқлар билан бир қаторда дельтада баъзан азонал гидроморф тупроқлар учрайди. Улар орасида сур тусли қўнғир, қумли-чўл ва тақирли тупроқлар ҳамда тақирларнинг қолдиқ ярим гидроморф шаклларида ўтлоқи ва ботқоқ-ўтлоқи, шунингдек континентал денгиз бўйи шўрҳоклар мавжуд.

Суғориладиган деҳқончиликда фойдаланадиган ерлар ирригация-мелиорация ишларини ўтказиш ва узоқ муддат суғориш натижасида вегетация давомида суғориш ва шўр ювиш учун қулай нишабликгача текисланган. Тупроқ ҳосил қилувчи жинсларнинг литологик кесими Амударё ёйилмаси мураккаб қатламли аллювиал оқизма лойқа (келтирилган) жинслардан таркиб топган ва жуда хилма хил тузилишга эга. Бутун ҳудуддаги аллювиал қатлам қопламалари, механик таркибни ҳам кесма ва шунингдек, майдон бўйича тез-тез кескин ўзгариши билан тавсифланади.

Гидрогеологик шароитлари ва ўсимликлар қоплами: Хоразм воҳаси гидрогеологик шароити тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида асосий омил ҳисобланиб,



у билан тупроқ қоплами эволюцияси, шўрланиш ва шўртобланиш узвий боғлиқдир. Хоразм вилояти гидрогеологиясини

1924-1925 йилларда доимий равишда ўрганиш бошланган эди. Бу соҳада И.Н.Фелициант [4; 133-211-б.] изоҳига кўра чуқур тектоник эрозион чўкмада жойлашган ёки кириб борган тўртламчи давр ётқизиқларида жойлашган ер ости сувларининг жуда оз чегараланган оқими Сарикамиш ва Орол томонга ҳаракатланиши бунга асосий сабабдир.

Хоразм вилоятида 1927 йилда олиб борилган гидрогеологик изланишлардан кейин махсус кузатиш шахобчаси ўрнатилган бўлиб, бу ҳозирги даврга қадар фаолият кўрсатмоқда. Тўртламчи давр аллювиал ётқизиқлари майда дондор маҳсулотлардан (жинслардан) тузилган бўлиб, жуда оз ёки паст сув ўтказиш хусусиятига эгадир. Орол ва Сарикамиш томонига табиий ҳолда жуда оз миқдорда ер ости суви оқимини юришини, сув ўтказувчи сунъий зовурларнинг қониқарсизлигидан юқори томонга сув алмашиш жараёнини келтириб чиқарганки, бу ер ости сувлари ва тупроқ замин қатламларини шўрланишига олиб келади. Шунинг учун ерлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш доимий мелиоратив тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, аввало захкашлар ва тупроқларни ювиш усулларини тақоза этади.

Хоразм вилоятида ер ости сувининг сатҳи турли жойларда турлича бўлиб, аввало жойнинг геоморфологик шароитига, суғорилишига ва сув ўтказувчанлигига боғлиқдир. Амударё водийси ер ости сув сатҳи ер юзасига нисбатан 0,5-2,0 м чуқурлик атрофида жойлашган бўлиб, Дадан ва Дарёлиқнинг ўзан ва ўзанбўйи ётқизиқларида ер ости сув сатҳи 1,0-2,5 (3) м, ўзанлараро 1,0 метргача кўтарилади.

Унгуз орти Қорақум ва Қизилқум ҳудудларининг паст-баланд қумликларида улар 5,0 метрдан чуқурроқда ётади. Ўзлаштирилган ёки ташландиқ сувлар билан бостириладиган Қорақум ва плато текисликларида ер ости суви 1,0-2,5 м айрим алоҳида ботиқликларда, асосан кўл бўйларида 0,5-1,0 м атрофида бўлади. Суғориладиган ерларда ер ости сувининг минераллашганлик даражаси 0,5-0,9 дан 15,0-17,0 г/л гача учрайди. Аммо минераллашганлиги 5,0 г/л бўлган ер ости сувлари бу ҳудудда кўпроқ тарқалган. Қўриқ ташландиқ майдонларда бу кўрсаткич 20,0 г/л ва ундан ҳам кўпроқ бўлиши кузатилган.

Воҳа ҳудудининг асосий қисмида ер ости суви ва унинг минераллашуви ирригация ва хўжалик омиллари билан чамбарчас боғлиқдир. Ер ости сувларининг асосий манбаи ер усти суғориш тармоқлари ва суғориладиган далалардан сингдирилган сувлар ҳисобланади. Уларнинг энг юқори кўтарилиш даври тупроқларни ювиш ва суғориш даврига тўғри келади ва бу вақтда ер ости сувларининг минераллашуви паст даражада бўлади. Бу вақтга келиб ер ости сувлари 0,5-0,7 метргача кўтарилиши кузатилган бўлиб, ер ости сувлари меъёрига ёғинлар етарли таъсир кўрсатмайди.

Сизот сувларининг юқorigа кўтарилиши ёз ойларига (июль-август) тўғри келади ва бу Амударё сув сатҳининг юқorigа кўтарилган вақтига тўғри келади.



Баъзи йилларда бу кўрсаткичлар қиш мавсумига (январь-февраль) тўғри келади. Сизот сувлари сатҳининг камайиши баҳор ойлари

(март-апрель)га тўғри келиб 2-2,5 метрга тушиб кетади. Умуман олганда, Хоразм воҳаси гидрогеологик шароити бошқа воҳалардан тубдан фарқ қилади. Ирригация-аллювиал ва ирригация ер ости суви тартиби аниқ мавсумий кўринишга эга бўлиб, ер ости сувлари юқорида турганда, яъни сув буғланиши ҳамда ўсимлик томонидан буғланиш кўп бўлганда гидроморф (намчил) тупроқ пайдо бўлиш ва шўрхокланиш шароити вужудга келади. Хоразм воҳасининг асосий сув манбаи Амударё ҳисобланиб, 5 та йирик суғориш тизимидан иборат: 1. Тошсақа. 2. Қиличниёзбой. 3. Питнак. 4. Урганч. 5. Полвон каналлари бўлиб, булардан Ташсақа ва Қиличниёзбой тизими давлатлараро ҳисобланади, қолган учтаси эса Хоразм вилояти ички тизимига киради

[6; 188-б.].

Буларнинг ичида энг йириги Тошсоқа канали бўлиб, Хоразм воҳасини жануби-шарқий қисмидан, Амударёдан то Тошсоқа шаҳарчасигача давом этади. Унинг узунлиги 34 км, энига эса 100-120 м. Юқори сув кўрсаткичи

217–260 м³/с. Кейинчалик бу (канал) сув тизими (34 километрдан кейин) Полвон ва Шовот, шунингдек Қиличниёзбой, Ғазовот, Полвон ва бошқа каналларга бўлиниб кетади. Бу йирик магистрал каналлар воҳа ерларини майда каналлар ва суғориш ариқлари орқали сув билан таъминлайди. Вилоят суғориш давридаги солиштирма сув сарфи 21000 м³ [6; 188-б.]га етади.

Хоразм воҳасини суғориш учун умумий йиллик суғориш даврида

4 млрд.м³ атрофида сув сарф бўлади. Бу сувлар ўзи билан суғориладиган ерларга 60–65 тонна келтирмалар олиб келади. Бу келтирмалар таркибида тупроқ ҳосил бўлишига фойдали ва зарарли моддаларни ҳам олиб келади. Бу ётқизиклар эса тупроқни пайдо бўлиш жараёнига таъсир этади

[6; 188-б.]. Бу билан шуни айтиб ўтиш керакки, гидрологик ва гидрографик шароит мавжудлиги тупроқ ҳосил бўлиш жараёни билан ўзаро боғлиқ.

Ўсимликлар қоплами: Хоразм воҳасини асосий қисми суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерлар ҳисобланади, шунинг учун бу воҳа ўсимлик дунёсида ҳам ўзига хос хилма хиллик мавжуд. Бутун Хоразм воҳаси ҳудуди тупроқ-ўсимлик қоплами бўйича чўл минтақасига кириб, табиий ўсимликлар қоплами пайдо бўлганлиги, аниқ ўсимликлар қоплами пайдо бўлишига йўл бермаганлиги билан ифодаланади. Учламчи ва бўр даври платоси қисман эол қумлари ва сур қўнғир тупроқлари билан қопланган бўлиб, эфимер шувоқли чўлни ифодалайди. Турли туман эфимер ва эфимерсимонлар ичида кўпроқ чўл осокаси тарқалган. Бу ўсимликлар асосан сувга яқин жойда ривожланади ва гидроморф тупроқлар ҳосил бўлиш жараёнида иштирок этади. Бу ўсимлик эрта баҳорда ер юзасини зич қоплаб олади. Шувоқларгача юқори поғонада семиз ўтлар аралашиб кетади: гипс юқори қатламларга яқин жойлашган ерларда шўрхок тупроқларда-бунорғун, кейреук учрайди. Қум аралашган сур қўнғир тупроқларда сумбул (ферулла) учрайди [6; 188-б.].



Қизилқум тупроқларида, Унгуз орти Қорақум қумликларида ўсимлик қоплами сийрак бўлиб, бу ерларда асосан шўрсевар бута ва дарахтсимон ўсимлик турларидан: саксовул, шўрсеварлардан ташқари қандим, юлғун, қуёнсуяк, илоқ учрайди. Сурилиб бораётган қумларда кўпроқ оқ саксовул ва қандим ўсади. Бу ерлар эфимер ва эфимероидларга бой бўлиб, Амударёнинг қайирида шунингдек кучсиз шўрланган етарли намланган ҳудудларда тўқайлар шаклланиб бута дарахтлар ва шўрсевар ўсимликлар: туронғу, жийда, сув толи, тамарикслар ўсади. Тўқайларда ўтсимон ўсимликлардан янтоқ, саломалайқум, ажриқ учрайди. Кучли шўрланган тупроқларда семизўтлар ўсади.

Суғориладиган ҳудудларни кўпроқ маданий ўсимликлар эгаллаган. Дала ўсимликларидан-ғўза, шоли, оқжўҳори, маккажўҳори, беда, донли экинлар, полиз ва бошқалар экилади. Йўл ва ариқ бўйлари, қишлоқлар ва томорқаларда дарахт, бута ўсимликлар: тут, узум, олма, анор ва бошқа маданий ўсимликлар ўсади. Дала экинлари, томорқа ва боғлар ичида бегона ўтлардан янтоқ, шўра, ажриқ, ширинмия ва бошқалар ўсади.

Хоразм воҳаси ҳудудида кўплаб бундай ўсимликларни ўсиши йирик миқдорда сувни буғланишига ёрдам бериб, воҳа микроиқлимини ўзгаришига олиб келади. Уни янада юмшоқ бўлишига сабаб бўлиб, у ўз навбатида тупроқ пайдо бўлишига таъсир этади [6; 188-б.].

Хоразм воҳаси ўзининг қадаимий деҳқончилик маданияти билан алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, вилоят ҳудудида қишлоқ хўжалааги экинларини етиштириш имконияти юқори. Амударёнинг аллювиал келтирилма қатламларининг механик таркиби ўзига хос тавсифга эга, яъни унда йирик қумлар кам, ўртача қумлар жуда кам, физик қум ва қумлоқлар нисбатан кўп ва чангсимон заррачалар катта миқдорда учраши билан ажралиб туради. Хулоса қилиб айтганда, қуйи Амударё ёйилмаси ўзининг литологик тузилишига кўра, қайир усти террасаларини мавжуд эмаслиги, дарё ўзанидан узоқлашган сари, ёйилма ёшининг катталиги ҳамда аллювиал ётқизиқларни нотекис тақсимланганлиги билан алоҳида ўзига хослиги билан ажралиб туради.

References:

1. Қориев М.В. ва бошқалар. Ўзбекистон табиий географияси. –Тошкент, 1981. – 240 б.
2. Файзиёв К.Н. Қуйи Амударё тупроқларининг агрофизикавий ҳолати ва уларни яхшилашнинг илмий асослари (Хоразм воҳаси мисолида). қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент. ТАТИ, 2021. – 135 б.
3. Файзиёв К.Н. Қуйи Амударё тупроқларининг агрофизикавий ҳолати ва уларни яхшилашнинг илмий асослари (Хоразм воҳаси мисолида). қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент. ТАТИ, 2021. – 135 б.
4. Фелициант Н.И. Почвы Хорезмской области // Почвы Узбекской ССР. Том 3. - Ташкент, 1964. - С. 133–211.



5. Хасанова Р.Ф., Суюндуков Я.Т, Сальманова Э.Ф. Роль агростепей в восстановлении водопроницаемости деградированных почв / Фундаментальные исследования. 2013. - №11-7. - С. 1369-1373.
6. Хоразм вилояти тупроқлари.- Тошкент, «Фан», 2003.-188 б.